



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИ 2- ҚУРУЛТОЙИ ҚАРОРИ



Ўзбекистондаги мавжуд сиёсий тузум дунёда энг мустабид режимлардан биттаси бўлиб қолмоқда, инсон ҳақларини бузиш ва ўзгача фикрловчиларни қийноққа солиш бўйича биринчи ўринни эгаллашда давом этмоқда.

Байналминал сивил ташкилотларнинг норозиликларига қарамай, бу қаттол режимнинг демократик Ғарб тарафидан ҳеч бир шартсиз қўллаб-қувватланиши инсонларда таажжуб уйғотмоқда. Бу вазиятда, биз ўзбек мухолифати вакиллари-нинг ўз кучимизга, халқимизнинг кўмагигагина ишонишдан бошқа чорамиз йўқ.

Бу тенгсиз ва омонсиз курашда биз шу устиворликларни олд планга чиқардик:

1. Тарғибот воситаларида янги, эффектив услубларни кенгроқ қўллаш.
2. ЎХХ ни Ўзбекистон халқига танитиш ҳаракатини яна-да кенгайтириш лозим. Ҳаракатнинг яхлитлиги ва мақсадларини теранлаштириш зарур: ҳукумат тарғиб этаётган туғилишни чеклаш каби ғайримиллий сиёсатни халққа тушунтириш, болаларнинг мажбурий меҳнати, жиноятларни яшириш, коррупция ва порахўрликни рағбатлантириш каби режим табиатидан келиб чиқаётган иллатларни аёвсиз фош қилиш,

3. Талабалар ва армиядаги аскар ёшлар ўртасида ташвиқотни ошириш;

4. Бугунги кунда бунинг ҳеч қандай имкони бўлишига қарамасдан, хориждаги мухолифат лидерларининг оқлаиб, ватанга қайтишлари учун ҳуқуқий замин яратиш йўлида режалар иш бошлаш. Бу ишга халқаро ҳуқуқ ташкилотларини жалб қилиш, адвокатларни даъват этиш. Бу билан ЎХХнинг Ўзбекистонда қонунан тан олинисига, легализациясига замин яратиш.

6. Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий аҳволнинг реал манзарасини муҳокама қилиш учун мутараққий давлатлар билан маслаҳат савиясида алоқалар ўрнатиш. Ўзбекистондаги аҳволдан дунё давлатларини мунтазам хабардор қилиб туришни устун савияда ташкил қилиш.

7. ЎХХ Ўзбекистондаги мавжуд режимнинг дафъатан йиқилишига ва ҳатто бунинг оқибатида келиб чиқадиган катта хаос эҳтимолига ҳам тайёр туриш. Бу эҳтимол устида ишлайдиган ва уни таҳлил қиладиган тадқиқот ва таҳлил бўлимини очиш.

Муҳтарам биродарлар, Бизнинг ишимиз 100 метрга чопиш мусобақаси эмас. Биз сиз билан узун йўлга чиқдик. Бу йўлда сабрлилар, матонатлилар ва Яратганнинг тақдирига инонганларгина ғолиб бўлажак.

Биз ниҳойи ғалабамиздан аминмиз, чунки бизнинг йўлимиз чиндан ҳам эзгу мақсадларга йўғрилган Ҳақ йўлдир, мақсадимиз олижаноб – халқимизни зулмдан озод этишдир. Чунки халқимиз мазлумдир, биз сиз билан мазлумлармиз. Аллоҳ мазлумлар биландир. Токи биз олийжаноб мақсадимизга содик эканмиз, токи ниятларимиз тоза экан, ҳеч шубҳа йўқ-ки Аллоҳ биз биландир!

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати  
Прага 29.06.2012

## БУГУНГИ СОНДА

**М.СОЛИҲ:  
САФСАТАЛАР ЎЛИМИ**

Байналминал сивил ташкилотларнинг норозиликларига қарамай, бу қаттол режимнинг демократик Ғарб тарафидан ҳеч бир шартсиз қўллаб-қувватланиши инсонларда таажжуб уйғотмоқда.

(Давоми 2.3 бетда)

## ЎХХ 2-ҚУРУЛТОЙИ КУНДАЛИГИ

Биринчи кун Қурултой ЎХХ Муассислар Мажлисининг Раиси Муҳаммад Солиҳнинг очилиш нутқи билан бошланди.

Шундан кейин ўтган йил Русияда Ўзбекистон Махсус хизматлари тарафидан қатл қилинган Фуад Шокирийни хотирладилар.

(Давоми 3 бетда)

## ҚУРОЛЛИ КУРАШ - ЭНГ СЎНГГИ ЧОРА

“Араб Баҳори”дан илҳомланган бир қанча дунёвий ва исломий гуруҳларни бирлаштирган мухолифатдаги Ўзбекистон халқ ҳаракати Ўзбекистон ҳукуматига қарши кураш йўлида сўнги чора сифатида куч ишлатишни оқлашини баён қилди

(Давоми 4 бетда)

## “ЭРК” ФАОЛИ ИСРОИЛ ХОЛДОРОВНИНГ ҚАМОҚ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

“Эрк” фаоли Исроил Холдоровнинг жазо муддатига яна уч йил қўшиб берилди. 2007 йилда олти йиллик қамоққа ҳукм қилинган мухолифатчи ярим йилдан кейин озодликка чиқиши керак эди

(Давоми 5-бетда)

## ЮРТ ҚАЙҒУСИ

Қарайман: Кимсасизлик юкидан ориқланган танда золимона урилган қамчиларнинг яраси бор.

(Давоми 5-бетда)

## МУҲАММАД СОЛИҲ: САФСАТАЛАР ЎЛИМИ (ЎХҚ ҚУРУЛТОЙИДАГИ НУТҚ)



Биринчи сафсата ҳақда биз ўтган мақолаларимизда айтгандик. Айтилганларга яна шуларни илова қилиш мумкин: зулмга қарши тинч йўллар билан курашиш тарафдорлари иддаоларини бу жабҳада ўз фаолиятлари билан машҳур бўлган бир нечта шахс тажрибасига қўрганлар. Улардан биттаси, албатта-ки, Махатма Ганди бўлади. Аммо бу тоифага кўшиб саналадиган бошқа арбоблар эса, аслида, ўша кураш услубини умрларининг бир қисмида қўллаб, кейин воз кечган инсонлар.

Бунинг энг ёрқин тимсоли бугун демократларнинг тилидан тушмайдиган Нелсон Манделадир.

Нелсон Мандела ёшлик йилларида Махатма Ганди таъсирида бўлганлиги маълум. Лекин Мандела бу кураш услубининг ўша даврдаги Жанубий Африкадаги мавжуд сиёсий иқлимда мутлақо самарасиз эканлигини тезда англади.

Илоҳий киноя шундан иборат эди-ки, айнан шу тинч йўл билан курашиш учун майдонга чиққан даврда (1956 йил декабр) Мандела ва унинг 150 нафар сафдоши “Ватанга хиёнат ва ҳокимиятни зўронлик билан ағдаришга ташаббус” айби билан ҳибсга олинди!..

1959 йилда бир гуруҳ занжи “африкачилар” Апартеид режимига қарши радикал курашишни талаб қилиб, Африка Миллий Конгресси (АМК) билан алоқаларини уздилар.

1961 йил Мандела ниҳоят Африка Миллий Конгресси (АМК)нинг “Миллат найзаси” деб аталган қуроли қанотига раҳбарлик қилиб сайланди. Ва бу гуруҳ қисқа муддатда мавжуд ҳукумат ва ҳарбийларга қарши саботаж сиёсатини бошлади. Бу фаолият ҳам самарасиз бўлса, Апартеид режими қарши партизан урушига ўтиш режаланганди.

Мандела бу даврда ҳаракатга хорижий мамлакатлардан моддий ёрдам олди ва “Миллат найзаси”нинг аъзолари билан ғайринизомий шаклда ҳарбий машқлар ўтказиб, муҳтамаб урушга ҳозирланди.

Манделанинг фикрича, қуроли кураш сўнгги чора эди. Давлат тарафидан ўтказилаётган репрессияларнинг йилдан-йилга кучайиб бориши бу зулмга қарши тинч йўл билан курашишнинг имконсиз эканини ва қутилган натижани бермаслигини кўрсатди.

Энди сиз Каримов режими билан 22 йил давомида тинч йўл билан самарасиз курашиб, “22 йил давомида нима қилдингиз?” деган хоинона дашноларга маъруз қолаётган Ўзбек мухолифатининг аҳволини тасаввур қилинг!

Бизда ҳам худди юқорида кўрсатилганидек, давлат репрессиялари йилдан-йилга кучаяётгани йўқми?

Бу зулмга қарши тинч йўл билан курашишнинг имконсиз эканини ва қутилган натижани бермаслигини биз ҳам кўрмаймизми?

Ўзбек мухолифати ҳам туғилган кунидан бошлаб “Конституцион тузумни зўравонлик билан ағдаришга ташаббус” айби билан кораланаётти-ку!

Ҳа, бу энди бизнинг қисматимиз кинояси.

Биз Каримов режимини зўравонлик билан ағдариш ниятимиз йўқлиги ҳеч исбот қила олмадик.

Йўқ нарсани, мавжуд бўлмаган нарсани қандай исбот қиласан?

Лекин биздан ҳеч биримиз “Каримов режими апартеид режимидан минг қарра баттар ва бу зулмга қарши қўлга қурол олиб курашиш биз учун ҳалол”, дея ўртага чиқмадик.

2005 йил Андижонда ўққа тутилган мингларча тинч намойишчининг ўлимини ТВда томоша қилган Лондон шаҳар мэри ҳаяжонланиб, “Каримов режимига ўхшаган режимларга қарши фақат қурол билан курашиш лозим”, деганида Ғарб либераллари теран бир сукутга чўккан эди.

Бу “зўравонга қарши нозўравон йўл билан курашиш” сафсатасига урилган илк очик зарба бўлди.

Аммо бу зарбанинг залворини кўплар ҳис этмади, диктаторлар эса умуман писанд қилмади.

Кучли ва қакшаткич зарбани “Араб баҳори” берди. Ва бу зарба дунё золимларига қарши қуроли мужодалани бир онда машруъ қилди. Демократия ва исломнинг бир маконда яшаб-яшамаслиги хусусига келсак, шуни айтиш мумкинки, араб дунёсида бошланган инқилобларнинг илк босқичида сиёсий чайқалиш ҳудудига кирган бу ўлкаларнинг истиқболи қандай бўлиши мумкинлиги ҳақда башорат қилишга ҳеч ким журъат эта олмаганди.

Ғарб бирданига юз берган бу глобал катаклизмани мушоҳада этиб, йиқилаётган бу режимларни қайтадан ислоҳ қилиш стратегиясини тақдим этишга улгурмади. Бу режимларнинг аксарияти Ғарб манфаатларига ғайри режимлар эмасди. НАТОнинг Ливига қарши олган қаттиқ тадбирлари остида ҳам Кадафи режимидан ҳам ювшоқроқ бир режим ўрнатиш умиди ётганлиги кўпчиликка сир эмасди.

Рус насабли олмон политологи Александр Рар бу умиднинг чиппака чиқаётгани ҳақда ташвишланиб, шундай дейди: “Тан олиш керак-ки, “Араб баҳори” қутилган натижани бермади. Шарқда демократлашиш ўрнига исломлашиш кетяпти. Биз сайловларда кимнинг ғалаба қилаётганини кўриб турибмиз. Бунинг қандай амалага оширилаётганини кўриб турибмиз. Бизнинг “озодлик” ғоямизга муқобил (алтернатив) ғоялар тўсқинлик қилмоқда. Биз бунинг кўрмаслигимиз мумкин эмас.” Ғарбга тўсқинлик қилаётган алтернатива, бу ислом дини ва демократия бир маконда яшашини таъминлаши мумкин бўлган янги бир сиёсий режим моделидир.

Александр Рарнинг ҳассос эътирофидан кўришиб турибди-ки, бундай бир сиёсий режим нафақат ислом радикаллари тарафидан, балки демократия радикаллари тарафидан ҳам осон қабул қилинадиганга ўхшамайди.

“Шарқда исломлашиш кетяпти” дейиш учун нафақат ислом тарихини билмаслик, балки бу тарихни қандай бўлса шундай қабул қилишни ис-тамаслик ҳам керак. Чунки Шарқда “исломлашиш” бир ярим минг йилдан бери давом этаётти!

Нахотки, мусулмонларнинг ўз динини ҳеч насага, ҳатто демократияга ҳам алмаштира олмасликларини ханузгача тушунмади бу дунё? Араб дунёсида инқилоблардан кейин юз берган воқеалар турли сиёсатдонлар тарафидан суистеъмол қилиб келинган “ислом дини ва демократиянинг табиий душманлиги” хусусидаги сафсатани йўққа чиқарди.

(Давоми кейинги бетда)



## М.СОЛИХ: САФСАТАЛАР ЎЛИМИ (ЎХХ ҚУРУЛТОЙИДАГИ НУТҚ)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Ислом дини ва демократик кадриятларнинг бир орада яшаши мумкин эканлиги ҳақда илк фаразлар ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида эълон қилина бошлади. Бу чиқишлар ислом мухалифларининг яқдил жўри орасида бир диссонанс бўлган эди. Эсимда, “Ранд корпорейшн” ходими, машҳур советолог Грехем Фуллер сиёсий ислом таҳлилчиларига Туркиядаги исломий партияларни мисол келтириб, масалани “Ислом ва демократия деб эмас, мусулмонлар ва демократия” тарзида қўйишни тавсия этганди. Саволнинг бундай алфозда қўйилиши ислом динининг сиёсий дунёкараш сифатида ниҳоятда бағрикенг бир доктрин эканлигини намойиш этарди. Лекин бундай ёндошувнинг танқидчилари Фуллерга ўхшаган мутаффакирларни ортқча либерализми билан ислом фундаментализмини мустаҳкамлашга сабабчи бўлиб, уни вақтида йўқ қилишга халақит берганликда айблаб чиқдилар.

Улар бу иддаосини Афғонистонда Совет Иттифокига қарши курашда АҚШ билан ҳамкорлик қилган афғон мужоҳидларнинг бу ҳамкорликдан сўнгра демократ бўлиб қолмаганларини мисол келтиргандилар. Энди, инқилобдан сўнг Ғарб тамойилидаги эркин сайловларда ўз Президентини сайлаган Мисрға қараб, яқингача “Ғарб душмани” бўлиб келган “Мусулмон биродарлар”нинг сайловларда аксарий овозларни олиб, Парламент кучлигига эришганини кўриб ҳам ислом ва демократиянинг бир ерда яшаёлмаслигини исбот қилиш учун бу иддао соҳибларининг янги далиллар топиши керак бўлади. Чунки аввалги далиллар шундоқ кўз ўнгимизда сафсатага айланди! Бу эврилиш Марказий Осиёнинг мусулмон нуфузли давлатлари ҳаётида қандай акс этмоқчи?

Ўтган бир йил ичида Каримов режими каби “Афғонистонга йўлак” эвазига жиноятларига кўз юмилмаётган мустабид режимлар Ғарбнинг ҳимоя қанотлари остида бўлишига қарамасдан ўзларини жуда ҳам яхши хис қилганлари йўқ.

Масалан, Ўзбекистоннинг қувват органлари режим учун дўст кўринмаган инсонларни терговсиз ва маҳкамасиз “Жаслик” каби ўлим лагерларига юборишда давом этмоқда. (Мана, Ўзбекистонда Ислом (Каримов) ва Демократия бирга яшай олмайдими, деса бу тўғри бўлади)Режим мухалифларини таъқиб қилиш икки барабар кучайтирилди. Интернет назорати

кагта шаҳарларда ақл бовар қилмас даражада қаттиқлашди. Чунки 2011 йил диктаторлар учун омадли йил бўлмади. “Араб баҳори” улар онгида чуқур психологик травма қолдирди.

Улар бу зарбадан бугунгача ўзларига кела олганлари йўқ. Бу мотамсаро кайфият Марказий Осиё давлатлари аъзо бўлган ШХТнинг яқинда қабул қилинган ҳужжатларида ҳам акс этди. Таҳлилчилар фикрига кўра, бу узун ва зерикарли ҳужжатлар остида Марказий Осиё диктаторларининг кўркуви яширингандир.

Аммо мазкур ҳужжатларда баён қилинган мақсад бу кўркув каби гизли эмас, очик баён қилинган. “Коммерсант” газетасининг ёзишича, бу ҳужжатларда “Араб баҳори”га ўхшаган муҳтамал ҳолатларга қарши олиннадиган тадбирлар руйхати очик-ойдин келтирилган. Шунга қарамай, агар инқилобни бошдан кечирган араб давлатлари ичида фақат Мисрнинг ўзидагина сайловлар ғолиби мусулмонлар бўлиб, улар иқтидорга келса ва ҳуқуқ давлатини қуриб, ўлкада истиқрор ўрнатсалар, бу фақат Араб дунёси эмас, балки бутун Шарқ, жумладан, Марказий Осиё давлатларидаги воқеалар ривожига ҳам кучли таъсир қилиши муқаррардир.

Воқеаларнинг бундай тадрижи ислом дини ва мусулмонлар ҳақда Ғарбда яшаб келаётган уйдирмаларнинг ҳалокати, дунёдаги “ислом ваҳимаси”нинг чўқиши бўлади. Воқеаларнинг бундай тадрижи ислом дини ва мусулмонлар ҳақда Ғарбда яшаб келаётган уйдирмаларнинг ҳалокати, дунёдаги “ислом ваҳимаси”нинг чўқиши бўлади. Ислом пайдо бўлган кунданок қуфр билан ёнма-ён яшаб келяпти, нега у демократия билан ёнма-ён яшай олмас экан?

Ислом демократия билан ҳам ёнма-ён яшай олади ва яшайпти. Бу реал воқелик албатта бизнинг мустабидларимиз оёқлари остидаги заминни тойинчоқ қилади ва мустабидларнинг йиллар давомида кучоқлаб олган “ислом фундаментализми” олабўжи-қўғирчоқлари кўлидан тушиб, “Жанубдан келаётган ислом радикализмига қалқон” каби мақомларидан жудо бўлажак.

Бу эса бугунгача иккиланиб турган либерал исломий гуруҳларнинг мамлакат сиёсий елпозиси (спектри)га қилиб, “Араб баҳори” яратган маршрут иқлимда иқтидор учун кураш майдонига чиқишга кучли туртки бўлади.

**Муҳаммад Солих**

## ЎХХ 2-ҚУРУЛТОЙИ КУНДАЛИГИ

ЎХХ 2-Қурултойи Чехия пойтахти Прага шаҳрида 29 июнь куни соат 16-00 да ўз ишини бошлади. Биринчи кун Қурултойи ЎХХ Муассислар Мажлисининг Раиси Муҳаммад Солихнинг очилиш нутқи билан бошланди. Шундан кейин ўтган йил Русияда Ўзбекистон Махсус хизматлари тарафидан қатл қилинган Фуад Шокирийни хотирладилар. Сўнгра Қурултойи қатнашчилари кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар. 1. ЎХХ Муассислар Мажлисининг Раиси Муҳаммад Солихнинг ҳисобот нутқи ва унинг муҳокамаси 2. ЎХХ Низоми ва Дастурига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш 3. ЎХХ раҳбариятига раҳбарлар сайлаш. Ҳаракат Муассислар Мажлиси Муҳаммад Солихни қайтадан Раис этиб сайлади. ЎХХ низомига киритилган ўзгартиришларга кўра Маказий Котибият ўрнига Бўлимлар Бошқаруви таъсис қилинди. Шунингдек, ЎХХ Тафтиш Кенгашининг янги раҳбарияти сайланди.

Қурултойининг иккинчи куни ЎХХнинг 2-Қурултойи ўз ишини давом эттирди. Кун тартибига Қурултойида иштирок этаётган ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди ва Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида Қурултойи иштирокчилари ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Бугунги кун тартибига матбуот анжуманида Озодлик ва Би-Би-Си радиолари ўзбек, қозоқ, қирғиз хизмати ходимлари, Туркия ва Европа давлатлари матбуот вакиллари қатнашдилар. Уларнинг саволларига ЎХХ ММ Раиси Муҳаммад Солих, ММ аъзолари Намоз Нормўмин ва Муҳаммадсолих Абутов, Ҳаракат вакиллари Абдулла Абдураззоқ ва Тоғбой Абдураззоқов жавоб бердилар. Матбуот анжумани “Озодлик” радиоси журналистларининг сайъ-ҳаракатлари билан интернет воситалари орқали дунё жамоатчилига ва Ўзбекистон жамоатчилига жонли тарзда тўғридан-тўғри ёйинланди. Кун тартибига иккинчи масала бўйича ЎХХ раҳбарияти билан бирга Қурултойида таширф буюрган меҳмонлар ҳам сўзга чиқдилар. Улар орасида Туркиялик ёзувчи Фарук Кўсе, АҚШдан проф. Питер Синот, Русиялик Ислом мутафаккири Хайдар Жамол, сиёсатшунос тадқиқотчи Камолиддин Раббимов, мустақил журналист Исмаил Хушев ва бошқалар бор эди. Айтиш керакки, матбуот анжумани ошқоралик, турли фикрларнинг тўқнашуви, шу билан бирга бу фикрларга ўзаро ҳурмат руҳида ўтди. Қурултойининг иккинчи куни хотимасида ЎХХ 2-Қурултойининг қарори қабул қилинди. Шу билан Қурултойи ўз ишини якунлади.

## ҚУРОЛЛИ КУРАШ - ЭНГ СЎНГГИ ЧОРА



**“Араб Баҳори”дан илҳомланган бир қанча дунёвий ва ҷисломий гуруҳларни бирлаштирган муҳолифатдаги Ўзбекистон халқ ҳаракати Ўзбекистон ҳукуматига қарши кураш йўлида сўнги чора сифатида куч ишлатишни оқлашни баён қилди.**

Муҳолифат лидери Муҳаммад Солиҳ 29-30 июн кунлари Чехия пойтахти Прагада ўтган Ўзбекистон Халқ ҳаракати 2-қурултойида Араб баҳори “мустабид тузумларга” қарши фақат тинч йўл билан курашиш лозимлиги ҳақидаги иддаони инкор қилганини таъкидлади.

- 22 йил давомида нима қилдингиз, деган хоинона дашномларга маъруз қилаётган ўзбек муҳолифати аҳолини бир тасаввур қилинг. Бу зулмга қарши тинч йўл билан курашиш имконсиз эканини ва қутилган натижа бермаслигини биз ҳам кўрмаймизми? Кўряймиз. Биз Каримов режимини зўравонлик билан ағдариш ниятимиз йўқлигини ҳеч қачон исбот қила олмадик. Биздан ҳеч биримиз бу зулмга қарши қўлга қурул олиб курашиш биз учун ҳалол деб ҳеч қачон ўртага чиққанимиз йўқ. Бугун ҳам ўртага чиқаётганимиз йўқ. Кучли ва қақшатқич зарбани Араб баҳори берди. Ва бу зарба дунё золимларига қарши қурулли мужодалани бир онда машруъ қилди, яъни легитим қилди, деди УХХ раиси. Муҳаммад Солиҳ фикрича, “Араб Баҳори” ислом ва демократия бир биридан айри тушунчалар эмаслигини кўрсатган. Айни пайтда ушбу муҳолиф гуруҳ аъзолари ўзларининг радикал исломий

қарашлардан узоқ эканини исботлашга ҳам уринди. “Таянч” маданий-маърифий жамяти раҳбари собиқ имом ва Жаслик қамоқхонаси маҳбуси Муҳаммадсолиҳ Обутов ҳаракатнинг ҳалифалик ўрнатиш ғояларидан анча йироқлигини айтди.

- Биз Ўзбекистоннинг бугунги мавжуд ҳудудини, мавжуд конституциясини, қонунларини тан оламиз ва шу қонунлар асосида Ўзбекистонда янги адолатли режим ўрнатмоқчимиз. Диктатор режимини олиб, ўрнига ҳақиқий, конституция амал қиладиган режим ўрнатмоқчимиз. Биз ҳалифат эмас, конституциявий режимда яшашни хоҳлаймиз ва шу йўлда ҳаракат қияймиз, деди Муҳаммадсолиҳ Обутов. Кузатувчилар фикрича, қурултой давомида илгари сурилган муҳим тақлифлардан бири хорижда Ўзбекистон ҳукуматига параллел равишда амал қиладиган, муҳолифат аъзоларидан иборат муқобил ҳукуматни яратиш тақлифидир. Бу фикр анжуман давомида камида уч марта янгради. АҚШдаги Колумбия университетининг Марказий Осиё ва Кавказ масалалари бўйича тадқиқотчиси ва УХХ маслаҳатчиси, профессор Питер Синнотт муҳолифатнинг муқобил ҳукумат сифатида ишлай бошлаши ҳаёт мамонт

масаласи эканини таъкидлади. - Менимча, муҳолифат ўзининг дунёдаги имиджига жиддий ёндашмоғи лозим. Айнан шунинг учун муҳолифат муқобил ҳукумат сифатида амал қила бошлаши муҳимдир. Хорижда яшаётган миллионлаб Ўзбеклар орасидан муҳолифат ўзи учун молия, қишлоқ хўжалиги, банк, экология ва бошқа соҳалар бўйича мутахассисларини топиши ва муҳолифатга жалб этиши керак. Муҳолифат Ғарб давлатлари ва ўз халқига давлатни бошқаришга тайёр эканини исботлаб бериши керак, дейди профессор Синнотт. Прага қурултойи Ўзбекистон Халқ ҳаракати таъсис этилганидан буён айна форматда ўтказилаётган иккинчи учрашувдир. Қурултой давомида ҳаракат раҳбари Муҳаммад Солиҳ молиявий сабаблар туфайли бундай қурултойларни ҳар йили эмас, уч йилда бир марта ўтказишга келишилганини билдирди.

“Биринчидан техник сабаблар, иккинчидан молиявий сабаблар бизни қурултойни ўтказиш муддатини 3 йилга чўзишга мажбур қилди. 60 га яқин одамни тўплаш учун, биласиз, жуда қатта иш қилиш керак”, деди УХХ раҳбари.

Халқ ҳаракатининг 2-қурултойи Прагадаги беш юлдузли Corinthia Hotel меҳмонхонасида ўтказилганига қарамасдан, умуман олганда ҳаракатнинг молиявий аҳоли ҳозирча анча суст қолаётгани кўринди. Ушбу муҳолиф гуруҳнинг даромад манбалари ҳусусида Муҳаммад Солиҳ гапни қисқа қилди: “Мусулмон давлатлари бизга ҳеч нарса бераётгани йўқ, афсус. Ҳомиймиз – бизни яратган Зот. Иккинчидан, ҳомийимиз бизнинг халқимиз. Манбамизни яна ортиқча очиқлашнинг ҳеч хожати йўқ менимча. Ҳозирча биз мана шу қурултой ўтказишга, 60-70 одамни чақиришга имкониятимиз етапти ва келажақда имкониятларимиз кенгайишига умид қилиб қоламиз.”

## “ЭРК” ФАОЛИ ИСРОИЛ ХОЛДОРОВНИНГ ҚАМОҚ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

“Эрк” фаоли Исроил Холдоровнинг жазо муддатига яна уч йил қўшиб берилди. 2007 йилда олти йиллик қамокқа ҳукм қилинган муҳолифатчи ярим йилдан кейин озодликка чиқиши керак эди.

Бу ҳақда Ўзбекистондаги “Эзгулик” инсон ҳуқуқлари жамияти маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси тизимидаги 64/29-колония (Навоий шаҳри)да жазо муддатини ўтаётган “Эрк” партиясининг Андижон вилояти бўлими собик раиси 62 яшар Исроил Холдоровнинг жазо муддатига жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан яна уч йил қўшиб берилган. Муҳолифатчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 221-моддаси (Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик) билан айбланган. Маълумотларга кўра, Исроил Холдоров 2007 йилнинг 19 февралда жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судининг ҳукми билан Ўзбекистон

Республикаси ЖКнинг 159-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш) 216-моддаси (Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш), 223-моддаси (Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш) ҳамда 241-моддаси (Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш) билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Ҳуқуқ ҳимояси ташкилоти тарқатган хабарга кўра, “18.10.2005 йилда фуқаро И. Холдоровнинг яшаш уйида тинтув ўтказилиб, 86 турдаги гўё Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳамда Ўзбекистондаги вазиятни берқарорлаштирувчи фикрлар мавжуд бўлган китоб, варақалар ва рисоалар аниқланиб олинган. Шу сабабли 02.11.2005 йилда унга нисбатан сиртдан Ўзбекистон Республикаси

159-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилиниб, қидирув эълон қилинган”. Расмийларга кўра, 2006 йил 7 сентябрь куни Исроил Холдоров Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматининг Андижон вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, ўзини топширган. Норасмий манбаларга кўра, муҳолифатчи 2006 йил 10 июл куни Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳридан ўғирлаб кетилган.

Сўнгра Андижон воқеалари иштирокчиси сифатида айбланган Исроил Холдоров 2007 йилнинг февралда қамокқа ҳукм қилинган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти Ўзбекистон Республикаси Жиноят Ижроия Кодекси талабларига мувофиқ, Исроил Холдоровнинг кексалиги, саломатлиги ёмонлиги ва жазони ўташга қодир эмаслигини инобатга олиб, уни озодликка чиқариш лозим, деб ҳисоблаган ва юқори инстанция судларини ҳукми бекор қилишга чақирган.

Истанбул Ойдин университети Фан ва адабиёт факултетининг декани. проф. доктор Шуойиб Қорақош, “Туркистонда миллиятчилик фаолиятлари” ҳақида ўтказилган симпозиумда сўзлаган нутқда 20-аср бошида ўзбек зиёлиларининг илғорларидан бири Абдурауф Фитратнинг “Юрт қайғуси” номли шеърини келтиради. Бу асар Абдурауф Фитрат тарафидан 1918 йилда ташкил этилган “Хуррият” номли газетада эълон қилинган эди. Уша шеър мазмуни ва моҳияти балан бугун ҳам ўз аҳамиятини, муҳимлигини ва оригиналлигини заррача йўқотгани йўқ. Шу сабабдан унинг кирилда ва лотин алифбосининг туркча вариантыда ифодаларини эълон қилиш ўқувчиларимиз учун маърифат бўлар деб ўйладик. Марҳамат уни ўқинг! Алибой Йўляхши.

### Юрт қайғуси.

“Ётсам тушимда, уйғонсам ёнимда,  
кўз юмсам қаршимда мунгли хаёл келиб турадур!  
Бу бир хотин хаёли ... бир хотинки,  
эгнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир куйлақдан бошқа бир кийим йўқ.  
Бош-оёқлари яланғоч, тирсақларигача қоп-қора лойқадан ботган,  
Бақаришга товуши, қутулишга кучи қолмаган! ...

## ЮРТ ҚАЙҒУСИ

Қарайман: Кимсасизлик юкидан ориқланган танда золимона урилган қамчиларнинг яраси бор.  
Кўраман: Жоҳилона қилинган эмлардан носулга қайтган\* яраларидан қонлар оқиб турадур! ...  
[\* эмлардан носулга қайтган – “эмлар”, эмлаш ёки дорилаш деганидир. “Носулга қайтган”, гангренага айланган демоқчи. Бутун жумла: “Жоҳилона қилинган эмлардан носулга қайтган,” дейилганда, жоҳилона дориланган яралар гангренага айланганда каби тушунилиши лозим бўлади]  
Эй, мунгли хотин, сен кимсан?  
Эй, ғамли она, нечук мундан айрилмайсан?  
Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан? Нечук кетмайсан?  
Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолган кўзларинг, у ёш ёмғирларинг нечун тўқадир?  
Зулм занжирлари билан боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладир, нима тилайсан? ...  
Оҳ ... билдим ... билдим ... англадим!  
Сен менинг Ватанимсан, Ватаниминг мунгли хаёлисан.  
Эй, муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма.  
Туроним, сендан айрилмоқ – менинг ўлимим.

Сенинг учун ўлмак менинг тирикликимдир.

Паноҳим, саждағоҳим, умидим!  
Ёвларинг сени шу кунгами солдилар?

Тилагим, истагим, саодатим!  
Болаларинг сени шу ҳолдами қўйдилар?

Суюнчим, овунчоғим, ўчоғим!  
Золимлар сени кимсасизми кўрдилар?

Йўқ, сен кимсасиз эмассан.

Мана мен, бутун борлигим билан сенга кўмак қилишга ҳозир.

Мана мен чин кўнгил билан сенинг йўлингга ўлишга рози.

Қоф тоғлари йўлимда тушса,  
Тамуғ оловлари қаршимдан чиқса,  
яна сен сари кетарман.

Устимга инсонлар эмас, Шайтонлар келса,

Оёғимга занжирлар эмас,  
жаҳаннам илонлари сарилса, яна сен сари кетарман.

Дунёнинг бутун балолари бошингга тўқилса,

Зулм чўлининг темир тиканлари кўзларимга кирса, яна сени кутқараман.

Мен сенинг учун тирилдим,  
Сенинг учун яшарман,

Сенинг учун ўлурман.

Эй Туркликнинг муқаддас ўчоғи!  
Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга,

Нафрат сени кўмгани келганларга!  
“





Бирлашган Миллатлар Ташкилоти баё-

нот тарқатиб, дунё давлатларидан БМТдан адолат истаган қийноқ қурбонларини таъқиб этмасликни талаб қилган Ушбу талаб 26 июн куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Халқаро қийноқ қурбонларига ёрдам куни” янграган. 15 йил муқаддам БМТ Бош Ассамблеяси 26 июнни “Халқаро қийноқ қурбонларига ёрдам куни” дея элон қилганди. Сешанба куни тарқатган баёнотида БМТ ҳукуматлар зиммасида қийноқ қурбонларини ҳимоя қилиш вазифаси борлигини эслатган. Бироқ БМТ Қийноқларга қарши қўмитасига кўра, тергов пайтида ва ё қамоқда экан қийноққа тутилган шахслар, агар халқаро ташкилотларни бу ҳақда хабардор этсалар, қатагонларга дучор бўлмоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қийноқларга қарши конвенциясини бир юз қирқ икки мамлакат ратификациядан ўтказган бўлса-да, бироқ қийноқларга чек қўйилган, деб айтиш ҳали эрта. “Ўзбошимчалик билан ҳибсга олинган шахс адолат истаб, Бирлашган

Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи бўлинмаларига мурожаат қилади. БМТ ишни унинг фойдасига ҳал қилгач, бу шахс, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоясига очиқ гапиргани учун, жиддий таъқибларга учрайди,” – дея таъкидланади БМТ баёнотида. – “Унга тиббий ёрдам кўрсатилмайди, изоляторга ташланади ва қамоқхона нозирлари томонидан қалтакланади.”

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИЙНОҚЛАР

Қийноқларга тутилган шахслар даъволари БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси ва БМТ Инсон Ҳуқуқлари Кенгаши мустақил экспертлари томонидан кўриб чиқилади. “Кўплаб маъбуслар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, улар билан учрашгани ҳибсхонага борган БМТнинг Қийноқлар бўйича маърузачисига қандай қийноққа тутилганликлари ва уларга қилинган ёмон муносабат ҳақида сўзлаб беришади,” – дейилади БМТ баёнотида. БМТга кўра, у билан ҳамкорлик қилган инсонларнинг таъқиб этилиши “халқаро қонунларнинг бузилишидир” ва бу ҳолатни “асло қабул қилиб бўлмайди. Таъқибларни олдини олишнинг самарали усуллари мавжуд, ақс ҳолда алоқадор шахслар ва давлат жавобгар бўлади,” дейилади БМТ баёнотида. Ўзбекистонда қийноқлар 10 йил муқаддам Ўзбекистондаги баъзи жазони ўташ муассисаларини бориб кўрган БМТнинг қийноқлар бўйича собиқ маърузачиси Тео Ван Бовен, мамлакатда қийноқлар “мунтазам



қўлланади”, деган хулосага келган эди.

Кузатувчилар Ўзбекистонда қийноқларга боғлиқ вазият умуман ўзгармаганини айтишади. Тео Ван Бовен ҳисоботида таъкидланишича, терговчилар, прокурор ва ҳакамлар қийноқларга аксар ҳолларда “юзакчи” қарашади. Ўзбекистон ҳукумати гумондор шахслар ёки маъқумларни қийноққа тутиш ҳоллари учраб туришини тан олса-да, қийноқларнинг “мунтазам” қўлланишини инкор этади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи гуруҳларнинг айтишларича, қийноқлар ва инсонни ҳақорат қилувчи муносабат ҳамон кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистонлик собиқ маъқумлар ва инсон ҳуқуқлари фаолларига кўра, халқаро ташкилотлар маъбуслар ша-роитини текшириш учун қамоқхонага ташириб буюришлари арафасида қийноқлар ва ноинсоний муносабат ҳақида очиқ гапиришга ботина оладиган маъқумлар вақтинча, ўзга қамоқхоналарга кўчирилади ёки изоляторга ташланади.

## МУҲАММАД МУРСИЙ МИСР ПРЕЗИДЕНТИ БЎЛДИ



Мисрнинг янги Президенти Муҳаммад Мурсий

Бугун Миср сайлов комиссияси раиси Форук Султон Европа вақти билан 16 30 да Таҳрир майдонида йиғилиб турган Мисрликларга ва бутун дунё жамоатчилигига сайлов натижаларини эълон қилди. Унга кўра Ихвонул Муслимин ташкилоти тарафдори бўлган Хуррият ва Адолат партияси номзоди Муҳаммад Мурсий 13 230 131 овоз олган. Уни рақиб Аҳмад Шафиқ 12 347 380 та овоз олган. Умумий

қатнашувчиларнинг 50 фоизидан кўпроғи қатнашган бу сайловда бир миллионга яқин овоз кўпроқ олиб Муҳаммад Мурсий ғалаба қозongan. Муҳаммад Мурсий Миср халқининг очиқ сайловда сайланган биринчи ҳарбий бўлмаган Президенти бўлди. Биз бу улуғ курашдаги муваффақиятлари

билан барча Ихвонларни ва Муҳаммад Мурсий жанобларини табриқлаймиз. Ва келажакдаги улуғ ишларида омадлар талаб қоламиз.

### Ихвонларга атаб;

Зуқ чўққиларни кўзлаб, курашиб,  
Сув келганда кечиб, тоғ келса ошиб,  
Охири эришдинг улуғ шарафга,  
Қувончим ичимга сиғмайди тошиб.  
Сенинг ҳимматинг поёни йўқдир!

Бизга ибратинг поёни йўқдир!  
Оғир машаққатлар, синдирилмади,  
Шунча душманларинг, йўқ қилолмади.  
Сабрингизга, қойил биродарларим,  
Фиравилар сизни енгаолмади.  
Қилган меҳнатинг поёни йўқдир!  
Зўр Шижоатинг поёни йўқдир!  
Ҳикматла, сиёсат қилишда моҳир,  
Меҳнат самараси кўринди зоҳир,  
Адолат барибир қарор топдику,  
Фиръавнлар, сизга бош эди охир,  
Ютдинг, журъатинг поёни йўқдир!  
Мардлик ғайратинг поёни йўқдир!  
Ҳасанул Баннони руҳин шод этиб,  
Саид Қутбни ҳам бугун ёд этиб,  
Зулмини уруғни қуритиб яшанг,  
Жафокаш Ваганни ҳам обод этиб.  
Бугун иззатинг поёни йўқдир!  
Қилган хизматинг поёни йўқдир!  
Ибрат кўпдир сизда, аҳли Исломига,  
Ҳақ талаб қилишдек, зўр издиҳомга.  
Сизларга ҳавасим келади менинг,  
Ютуғингиз сабаб бўлди илҳомга.  
Дўстлар, ҳурматингиз поёни йўқдир!  
Сизга ҳурматинг поёни йўқдир!

М. Абутов.

## ШҶРО ВА ДЕМОКРАТИЯ

Кейинги вақтларда Исломиё атамалар билан ғарбий атамаларни тенглаштиришга уринишлар бошланди. Ҳолбуки бу атамаларнинг чиқиш сабаблари, манбаси ва тараққиёти бир хил эмас ва айни асосга эга эмасдир. Ҳолбуки бу атамалар фарқли тушунчаларнинг ва ўлчовларнинг натижаларидир. Буларни тенглаштириш уларнинг маъноларини буғга айлантиради (маъносиз қилади) ва бу турли тушунчаларни бир хил тушунчага айлантиради. Шунинг учун ҳам Қуръони Карим яҳудий атамаларни олишга қарши чиққан ва мўминлардан “роина” атамаси ўрнига “унзурна” дейишни истагандир. Шу билан бирга бошқа жамиятлардан гўзал (яхши маъноли) урф одаглар қабул ҳам қилинган. Масалан, Пайғамбаримиз (сав) ва у зот билан бирга бўлганлар яманликларнинг қўл белиб кўришиш одатини қабул қилган эдилар. Атамалар бир жамиятнинг ҳаёт кодларидир. Бугунги кунда модернизмга (замонавийликка) боғлиқ ҳолда ўзаро тенглаштиришга уриналаётган атамалардан бири демократия ва шўродадир. Ҳолбуки, бу икки тушунчанинг ўртага чиқиши ва тараққиётида фарқ бор. Рошид Ганнуший кабилар Қуръони Каримда “истиброк” каби ажнабий тилдан олинган калималар ва тушунчалар борлигини айтиб, бундай тенглаштириш учун маъзурат (узр) излайдилар. Қуръони Каримда истимолат, яъни араб тилига бегона бўлган калималар мавжудлиги тўғри, аммо бу буни далил қилиб, ўзаро зид бўлган атамаларни тенглаштириш тўғри эмас. Чунки муҳим бўлган нарса атамаларнинг арабча ёки ажнабий тилида эканлиги эмас, улар орқали ифодаланган исломиё маънолардир. Ислому жоҳилиёат даврида ишлатилган сўзларга исломиё маъно ва рамзлар бериб, улардан тушунчалар майдонга чиқаргандир. Бу шаклда салот (намоз), закот каби теримлар янги маънога эга бўлдилар. Калималар ваъзда (араблар ишлатган лафзда) қолмаган. Шунинг учун ҳам Шўро ва Демократия фарқли атамалардир ва уларни ўзаро тенглаштириш ҳозир кундаги ажуба (ғайритабиий) ҳижобларга ўхшаб кетади. Чунки баъзи мусулмон аёллар тасаттурга (ҳижобга) ўралган ҳолда рўмолли бўлишни айни пайтда ғарблик аёлларга ўхшашни, мақсад қилиб олганлар. Ҳолбуки бунинг нагжасида на унисига на бу нисига эришмоқдалар. Бундай тенглаштириш эса уларни очик сочиқ ҳижобга ёпилган аёллар вазиятига туширмоқда. Худди ҳазрати пайғамбар (сав) хабар берганидек: *gubbe kasiyatın arıyat*, яъни “қанча ҳижоблилар борки, аслида улар ялонғончидирлар”.

Демократия ва Шўрони тенглаштириш вужудининг бир қисми очик аёлни ҳижобли аёлга тенглаштириш кабилардир. Уларнинг руҳлари фарқлидир. Демократия камиятчи, яъни кўп жихатли ва кўпчиликнинг қарорига асосланган тузумдир. Ислому эса кайфиятга (маълум маънога) асосланади. Ислому камият мавжуддир, аммо у асос эмас, илова унсурдир. Чунки Ислому кўп жихатлилик чегараланган танлов масаласидир.

Шўронинг ўлчови эса камият эмасдир. Шўронинг вазифаси қонун чиқариш эмас, идорий ва техник (жузъий) масалаларни ҳал қилишдир. Техник (жузъий) масалалар эса халқ билан эмас, арбоби (мутахассислар) билан маслаҳатлашиб ҳал қилинади. Яъни, бу масалаларда кўпчиликнинг, фақат мутахассис кўпчиликнинг фикри инobatга олинади.

Аммо идорий масалаларда халқнинг иродасига мурожаат қилинса бўлади. Бу ҳолларда халқнинг танлови ҳал қилувчи бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ваҳийнинг майдонида шўро (маслаҳатлашиш) бўлмайди. Бошқарув масаласида эса шўро (маслаҳатлашиш) мавжуддир. Чунки Аллох таоло мусулмон раҳбарларга шўрога амал қилишни ва маслаҳатлашишни амр қилгандир. Лекин шўрода олинган нагжжалар мажбурийми ёки мажбурий эмасми, бу масалада ҳам ихтилоф мавжуд. Баъзан раҳбарият озчиликнинг фикрига майл қилиши мумкин. Чунки кўпчиликнинг фикри ҳақнинг ўлчови ҳисобланмайди, қолаверса оят ҳам маслаҳатдан (шўродан) кейин кўпчиликнинг фикрига эргаш ёки уни бажар, демаган. Аксинча, Қуръони Каримда кўпчиликнинг фикри умумий маънода манфийлик ўрнида қўрилади. Зеро, кўпчиликдан ташкил топган оломоннинг фикри ҳақиқатни тадқиқот қилувчиларнинг (олимларнинг) фикри ҳисобланмайди. Шунинг учун бундай фикр тўғри ҳам, нотўғри ҳам бўлиши мумкин.

Шу билан бирга кейинги вақтларда камиятчи ва кўпчиликнинг фикрига эргаштириш мусулмонлар орасида тарқалиб бормоқда. Бу маънода Мусулмон Биродарлар (Иҳвон вақиллари) Шўрода олинган қарорларнинг мажбурий эканлигини ҳимоя қилмоқдалар. Ёки умумий мойиллик шундайдир.

Ҳолбуки, ҳеч шубҳасиз бу ишда Ғарб



**МУСТОФА ЎЗЖОН**

шамоли ва дунё сиёсатининг таъсири мавжуддир. Аммо сифатни асос олган кўпчиликнинг фикри, яъни Ислому олимларининг қарорлари, албатта, мажбурийдир. Пайғамбаримиз (сав) кўпчиликнинг фикрига эргашиб, Ухуд жангида Мадинанинг ташқарисига чиқишни қабул қилган эдилар. Аксинча, Худайбия шартномаси имзоланганда бунга тамоман зид бўлган ишни қилган эдилар.

У ерда ҳеч кимнинг фикрини эътиборга олмаган эдилар. Ухудда инқисор (аскарларнинг бирлигини йўқотиши) ўртага чиқар экан, Худайбияда ғалаба уфқлари кўзга ташланганди.

Муҳаммад Хусайн Фадлаллах Исломиё атамаларнинг асолати (тўғри маъноларидан) баҳс юритади. Турли атамаларни ўзаро тенглаштириш эса уларнинг асорати (уларга асир, таслим бўлишга) олиб келади. Шунинг учун ҳам Мисрлик файласуф Тавфик Тавил Инглизларнинг бу мамлакатни тарк этаётганда ўз атамаларини мамлакат халқига мерос қилиб қолдирганини ва бу орқали Мисрни яна 100 йил бошқарганини айтади. Фадлаллах таъриф этгани каби демократия кўпчиликнинг фикрига асосланган тузумдир, халқ ҳокимиятидир. (Muhammed Hüseyin Fadlallah: 100 sual ve cevab, S: 18-19). Бу режимда халқнинг нуқтаи назари ва кўпчиликнинг иродаси мажбурий кучга эгадир. Ислому эса, халқ йўқ ҳисобланмасада, унинг қарорлари мутлақ кучга эга эмас. Исломиё идора илоҳий ва башарий (инсоний, яъни халқнинг) иродаларни бир орага келтириш билан ўз ишларини юритади. Бу ерда албатта халқнинг ирода-сига ҳам маълум ўрин берилади. Бу раҳбарларни сайлаш ва улар билан маслаҳатлашишдан иборатдир.

**Абдурахмон Муҳаммад таржимаси**



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ВИЗАСИЗ ҚЎШНИ ДАВЛАТГА ЧИҚА ОЛМАЙДИ



Ўзбекистон ҳукумати Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистонга борадиган фуқаролар учун чиқиш визаси олиш тартибини жорий қилди.

Бу ўзгартишга қадар, ўз паспортида чиқиш визаси бўлмаса-да, ўзбекистонликлар қўшнилар

ҳудудига ўтиши мумкин эди. 27 июн куни республика нашрларида эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг МДХ ҳудудига, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи хориж фуқароларининг чет элга чиқишига оид вақтинча Йўриқнома” нинг 1 июндан бошлаб кучга киргани айтилмоқда.

Ўзбекистонда фуқароларни биометрик паспорт билан таъминлаш жараёни тугатиладиган 2015 йил охирига қадар амал қиладиган бу Йўриқномага кўра, учала қўшни давлатга бормоқчи бўлган ўзбекистонликлар паспортида чиқиш визаси бўлиши шарт.

Йўриқномага кўра, Қирғизистонга

чиқувчилар бу мамлакатда 60 кундан кам қоладиган бўлса, чиқиш визаси талаб қилинмайди.

МДХнинг бошқа давлатларига саёҳат қилиш тартиби ўзгармаган ва бундан кейин ҳам Ўзбекистон фуқаролари ўзаро виза тартиби жорий этилмаган Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Молдова, Россия, Украина ва Грузияга чиқиш визаси бўлмаса ҳам боришлари мумкин бўлади.

Ўзбекистон фуқароларининг хорижга чиқиш тартибига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, 16 ёшгача бўлган фуқаролар давлат чегарасидан ташқарига чиқиш учун нотариус томонидан тасдиқланган ота-она розилигига эга бўлиши шарт.

## ГЕНЕРАЛ ЧИРКИН: “МИНТАҚАДА ТЎҚНАШУВЛАР БЎЛИШИ МУМКИН”



**Россия қуруқликдаги қўшинлар бош қўмондони Владимир Чиркин Марказий Осиёнинг айрим жойларида қуруқлик тўқнашувлар юзага келиши мумкинлигини айтмоқда.**

РИА Новости” ахборот агентлиги хабарига кўра, бундай мулоҳазани генерал Чиркин 26 июн куни Федерация Кенгашининг Мудофаа ва хавфсизлик бўйича қўмитаси мажлисида билдирган.

- Марказий Осиё мамлакатларида энергетика соҳасида, сув ва ердан фойдаланиш жабҳасида истиқболда давлатлараро зиддиятлар кучайиб кетиш эҳтимолидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон иштирокида локал қуруқлик тўқнашувлар юзага келиши мумкин, – деган Владимир Чиркин бундай тўқнашувлар

айнан қачон ва қаерда содир бўлиши мумкинлигига аниқлик киритмаган.

Шунингдек, зиддиятларни бартараф қилишда тинчликпарвар кучлар иштироки ҳақида гапирган Чиркин дунёнинг қатор минтақаларида тўқнашувлар эҳтимоли кучайганини қайд этган ҳамда бундай таранглик юзага келишининг сабабларидан бири сифатида ўз манфаатига эришишни истаган “АҚШ ва НАТОнинг бирёқлама ҳаракат стратегияси”ни келтирган.

Қуруқликдаги қўшинлар бош қўмондони мулоҳазасича, Рос-

сия БМТнинг тинчликпарварлик фаолиятида тинчликпарварлик дастурлари донори ва ҳомийси сифатида фаолроқ иштирок этиши ҳамда БМТнинг тинчликпарварлик амалиётларини ҳарбий-техник жиҳатдан таъминлаш ишида (масалан, ҳарбий техника етказиб бериш ишида) фаолроқ бўлиши мумкин эди.

Чиркинга кўра, ҳозир Россия фақат Молдавияда тинчликпарварлик амалиётини ўтказмоқда.

- Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарида ерлашган ҳарбий бўлинмалар бунда алоҳида рол ўйнайди – улар ҳудуддаги барқарорлик ва хавфсизлик кафолати бўла олиши мумкин.

Шунингдек, улар мамлакатимиз ташқарисидаги хавфсизликни таъминламоқдалар, булар энг аввало бизнинг Тожикистон, Жанубий Осетия, Абхазия ва Арманистондаги ҳарбий базаларимиздир, – деди Чиркин.

Маълумотларга кўра, ҳозир Россия Мудофаа вазирлиги Тожикистондаги ҳарбий базасининг ҳозирлик муддатини узайтириш бўйича зарур ҳужжатларни тайёрламоқда.

Россия ҳарбий базаси Марказий Осиё мамлакатларидан Қирғизистонда ҳам (Қант шаҳрида) бор.



Ўзбекистондаги барча автовокзал ва станцияларда йўловчилар текширилади.

Ички ишлар вазирлиги қарори билан йўловчи автовокзаллари ва бекатларида ўтиш тартиби йўриқномаси тасдиқланган.

Энди барча вокзалларда ўтиш нуқтаси ташкил қилиниб, йўловчилар Тошкент шаҳрида аллақачон йўлга қўйилган металл детекторлар оркали ўтади.

Кузатувчилар Ўзбекистон раҳбарияти ҳаддан зиёд огоҳликка эътибор бераётганини ва баъзи ҳолларда бу



“Аҳмоқлик, энди одамлар катта катта сумкалар билан автобусга вокзалда эмас, балки яқинроқ бекатда ўтиради. Ўшанда Ўзбекистон ҳукумати нима ўйлаб топади? Милиция ходимларини ҳар бир симёғочга қўйиб чиқади”, дея хайронлигини билдиради Михаил исмли фойдаланувчи.

Тошкентлик ҳуқуқ ҳимоячиси Сураат Икромов хавфсизлик чоралари кўрилишини маъқуллайди, аммо Ўзбекистонда бундай чоралар ҳаддан зиёд кучайтирилиши ҳукуматнинг халқдан кўркуви натижаси эканлигини айтади.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАР БИР МУСОФИР ТИНТУВ ҚИЛИНАДИ

фуқароларнинг ҳуқуқини чеклаётганини айтишади.

30 июндан бошлаб кучга кирувчи қарорга мувофиқ, барча вокзал ва автобекатларда назорат ўтиш нуқтаси ташкил қилинади. Йўловчилар ушбу йўлакдан кириб чиқади ва шубҳали дея топилганлар махсус металл детекторлар, бўлмаган тақдирда эса милиция ходимлари томонидан текширилади. Назоратчилар сумкаларда олиб юриш тақиқланган, хавфли буюмларни текширади.

Шунингдек, танлов асосида фуқароларнинг паспорт маълумотлари ҳам текширилади. Керак бўлган ҳолатда эса, махсус итларнинг хизматидан ҳам фойдаланилади.

Тошкент шаҳар вокзали масъули бундай текширувлар хавфсизлик мақсадида 1 йилдан бери ўтказилишини айтади.

“Бизда бу нарсалар бир йил олдин ташкил қилинган. Ҳаммаёқ ёпиқ, битта эшикда металл детектор жойлашган, ўша ердан ўтади. Иккита милиция ходими қўл детектор билан турибди. Текшириб ўтказилади, ҳамма жойда видео назорат бор”, – дейди вокзал ходими.

Ўзбекистон ҳукумати хавфсизликни энг устивор масала қаторида кўради. Қарор чиқишидан олдин ҳам пойтахтдаги автовокзал, метро ва аэропорт биноларида хавфсизлик чоралари жорий қилинган.

### Огоҳлик

Ҳар бир метро бекатида диктор бекат номини айтиши билан бирга, йўловчиларни огоҳликка чорлайди. Метро бекатлари ва вагонларида реклама плакатларининг ўрнини огоҳликка чакирувчи мурожаатлар эгаллаган.

Қашқадарёдан Тошкентга келиб ишловчи Абдулазиз хавфсизлик чораларининг кучайтирилишида нотабиийлик кўрмаётганини айтади.

– Мен ўзим учун жавоб бера оламан, ҳеч қандай ноқулайлиги йўқ. Текширгани яхши, бемалол, беҳавотир юрасиз. Огоҳлик яхши нарсаси, – дейди Абдулазиз.

Ушбу қарор қатор интернет нашрларида ҳам муҳокамаларга сабаб бўлган. Уни маъқуллаган ҳам бор ва ўз навбатида танкид қилганлар ҳам учрайди.

“Ўзбекистондаги террористик актлар исботини топмаган ва ўзи йўқ нарсаси. Террор билан айбланиб қамалганларни ҳаммасини кузатганимизда Ўзбекистонда бирорга террорист мавжуд бўлмаганини аниқлаганимиз. Лекин террорнинг олдини олиш бошқа нарсадан далолат беради. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлигига қарашли ходимларнинг сони шунчалик кўпки, Марказий Осиёдаги давлатлардан бир неча маротаба кўп. Ҳукумат шуларни ишга жойлаштириш ва ҳаракатлантириш мақсадида мажбур бўлаётми”, дейди Сураат Икромов. Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик чоралари ўта кучайтирилган давлат ҳисобланади. Ҳаттоки, ҳар бир вилоятдан кириш ва чиқишда алоҳида постлар ўрнатилган бўлиб, милиция ходимлари истаган фуқарони текшириш ҳуқуқига эга. Маҳаллаларда участка нозирларидан ташқари, уларга кўмак берувчи фуқаролар гуруҳи посбонлар ҳам ташкил қилинган. Маҳалла оқсоқоллари эса, Миллий хавфсизлик хизматиға фуқаролар ҳақида маълумот берувчи шахсларга айланган.

## ҚУРУЛТОЙ ОЛДИДАН РЕЖИМ ТАЛВАСАСИ: ЎХХ АНДИЖОН БЎЛИМИ РАҲБАРИ ЎҒИРЛАБ КЕТИЛДИ

Шу йилнинг май ойида сирли тарзда ғойиб бўлган “ЭРК” партияси аъзоси ҳамда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Андижон бўлими масъули Жамолiddин Абдураҳмоновнинг анчадан бери МХХ ертўласида қийноқларга тугулмоқда.

Абдураҳмоновга қўйилаётган айблар нимадан иборатлиги номаълум, аммо шу нарсаси аниқки, Каримов режими УХХ 2-Қурултойи олдида Ҳаракатни руҳан синдириш амалиётларининг турли шакллари ишга солмоқда, бу Ҳаракат аъзолари ва унга хайрихоҳларга қарши хуружлар, ўғирлаб кетиш ҳамда ваҳшиёна қийноқларга солишда намоён бўлмоқда.

Жамолiddин Абдураҳмонов “ЭРК” ва УХХ нинг Андижон бўлими масъули, Андижон Университетида математика фанидан дарс бериб келган. Математика фанлари номзоди ва айни пайтда истеъдодли шоир Ж.Абдураҳмонов сиёсий фаолиятида Ўзбекистон мустақиллигининг меъмори бўлмиш “ЭРК” партиясига 90-йилларнинг бошидаёқ аъзо бўлган.

Ж.Абдураҳмонов 1990 йиллар сўнгида муҳолифатга қарши бошланган қатағонлардан қочиб, Ўзбекистон ташқарисида бир неча йил ишлаган. 2010 йилдаги ўзбекларга қарши Уш ва Жалолобод хунрез-

ликдан сўнгра Абдураҳмонов Ўзбекистонга қайтиб, Андижонда ерлашди. Университетда ишлар экан, улкан хавф-хатар остида сиёсий фаолиятини ҳам давом эттирди.

Унга яқин манбаларнинг билдиришича, Абдураҳмонов пойтахт Тошкентда ҳибсга олинган, бу ҳақда ҳатто яқинларига ҳам хабар берилмаган.

ЎХХ фаоли ҳозир МХХ ертўласида қийноқларга тугулмоқда, лекин унга қўйилаётган айблар МХХ тарафидан ҳануз очиқланмаган.

ЎХХ матбуот бўлими

## КАРИМОВНИНГ ТУРКИЯ ҚЎРҚУВИ ТИНМАЁТИР



Тошкент вилояти Зангиота туманида фаолият юргизиб келган “Илкай” ва “Пинар транс” турк ширкатлари тугатилиб, улар раҳбари Гунеш Меҳмет ва Қахве Али озодликдан маҳрум этилди.

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди “Илкай” ширкати раҳбари Гунеш Меҳметни 11 ой, “Пинар транс” ширкати раҳбари Қахве Алини эса икки йилга озодликдан маҳрум қилди.

Бу ҳақдаги хабарни Озодликка туман судининг ўзини таништирмаган ходими тасдиқлади.

Шунингдек, яна бир туркиялик таниқли тадбиркор уч йилга озодликдан маҳрум қилиниб, 15 минг АҚШ доллари миқдорида жаримага тортилган.

Яна бир гуруҳ турк тадбиркорининг қамалишига оид хабар тарқатган Gorizont.uz сайти учинчи турк тадбиркорининг исми-шарифини очикламади.

Зангиота туман суди вакили ҳам, “масаланинг нозиклиги” боис, на суд ҳукмининг қачон чиқарилгани ва на учинчи турк тадбиркорига оид маълумот беришни истамди.

Gorizont.uz маълумотиغا кўра, савдо ва хизматлар билан шуғулланиб келган учала турк тадбиркори ҳам бир қатор иқтисодий жиноятлар, жумладан, даромадни солиқдан яширганликда айбланган.

Турк тадбиркорларини ўз қаноти остига олиб, улар жиноятини яшириб келгани айтилаётган ўзбек солиқчиси эса 11 йилга қамалган. Бу ҳомий номи ҳам, Ўзбекистондаги ҳуқуқ идоралари назоратида экани тахмин

қилинадиган Gorizont.uz нашрида эълон қилинмади.

Интернет нашрининг ёзишича, “Илкай” ва “Пинар транс” ширкатлари бош ҳисобчиси Любовь Ҳамроқулова ва маъсул лавозимларда ишлаб келган Дилбархон Ирисова, Шухратилла Тўлаганов ва Исроил Қорабоев суд ҳукмига кўра, катта миқдорда жаримага тортилган ва келажакда раҳбарлик лавозимларида ишлаш ҳаққидан маҳрум қилинган. Бу тўрт шахс Ўзбекистон фуқароларидир. Собиқ “Туркуаз” ширкати раҳбари Воҳид Гунеш Ўзбекистонда 8 йил бизнес қилиб, ўтган йил ҳибсга олиниб, 9 ой тутқунликда сақланган турк тадбиркори. Ҳозирда Истанбулда яшаётган Гунеш ўзининг Тошкент расмийларига берилган катта пора эвазига озодликка чиққанини айтиб келади.

Озодлик билан суҳбатда жаноб Гунеш, “Илкай” ва “Пинар транс” ширкатлари раҳбарларидан ҳам озодлиги учун пора талаб қилинаётганини тахмин қилади.

“Пинар транс” ширкатининг бутун мол-мулкни мусодора қилишди. Барча раҳбарларини қамашди.

Ҳозир энди уларни озод қилиш учун 10 миллиард сўм (25 июн кунги расмий курс билан 5 миллион 241 минг АҚШ долларига тенг) пул сўрапти экан.

Ўзбекистон ҳар ойда бир турк тадбиркорини қамаяпти. Турк тадбиркорлари Ўзбекистондаги ширкатларини сотиш ҳаракатида. Бироқ нимагадир харидор йўқ. Ўзбекистон турк тадбиркорлари учун дўзахга айланди, дейди Воҳид Гунеш.

Gorizont.uz маълумотиغا кўра, иккала ташкилотнинг 2009-2011 йиллардаги фаолияти тафтиш қилинганда, Гунеш Меҳмет ширкатининг уч йил давомида 800 минг АҚШ доллари миқдоридаги даромадини ноқонуний равишда ўзлаштиргани, Қахве Али ширкатининг эса уч йил давомида жами 27 миллион сўм (расмий курс бўйича 14 минг 151 АҚШ доллари)

нақд пулини солиқдан яширгани аниқланган.

Ўзбекистонда 60 миллион долларлик бизнесдан айрилган Воҳид Гунешга кўра, ўзбек камокларида қолаётган турк тадбиркорларининг аксари сохта жиноятларда айбланган.

Ўзбекистонда хориж тадбиркорларига ҳужум бундан кейин ҳам давом этади. Чунки Ўзбекистоннинг тузуми бу. Тадбиркор ўз бизнесини йўлга қўйгач, унинг бор мол-мулкни мусодора қилиб, ўзларини ҳибсга олиб, камокка ташлайди.

Тузум шу. Тадбиркорнинг айби борми, йўқми бунинг фарқи йўқ. Агар улар истаса, сиз айбдорсиз. Сиз бир химоясиз одамга айланасиз улар қўлида. Лекин сизда бор йўл бор. Катта пул эвазига озодликка чиқаришни, албатта, сизга таклиф қилишади.

Уларда махсус режа бор. Ҳар ойда бир турк фирмасига ҳужум қилиш бўйича. Лекин аввалда сизга ишлашга имкон берилади. 5-10 йил ишлаб бизнесингизни йўлга қўйгач, улар сизни овлашга ўтади. Бу ҳолат Ўзбекистонда бизнес қўринишига айланган, дейди 2011 йилда Ўзбекистон ҳуқуқ тизимлари томонидан турли иқтисодий жиноятларда айбланиб ёпилган “Туркуаз” ширкати раҳбари Воҳид Гунеш.

11 ойда қамалган “Илкай” ширкати раҳбари Гунеш Меҳметнинг Ўзбекистонда қарийб 10 йил давомида бизнес қилиб, бир қанча ўн миллионлик доллар миқдоридаги бизнесга эга бўлгани айтилади.

Норасмий хабарларга кўра, бугунги кунда ўзбек камокларида камида 15 нафар турк тадбиркори бўлиб, уларнинг барчаси иқтисодий жиноятларда айбланган.

Кейинги 20 йил ичида юзлаб турк тадбиркори ва ўнлаб турк ширкати турли сийсий-иқтисодий сабаблар баҳонасида Ўзбекистондан хайдалди, уларнинг Ўзбекистондаги бизнеси ва мол-мулки, ошкор қилинмаётган томон манфаатига мусодора қилинди.



Россиянинг Биринчи канали (Первый канал) орқали эфирга узатиладиган “Би-лишни истайман” (“Хочу знать”) телекўрсатувида Ўзбекистоннинг қадимий ва афсонавий

шаҳарла-ридан бири – Хивага бағишланган сюжет эфирга узатилди. Кўрсатувнинг телебошловчи Михаил Ширвиндт бошчилигидаги профессионал ижодий жамоаси Фонд Форум томонидан ЮНЕСКО кўмаги остида Қорақалпоғистон Республи-

## Гугуша Россияда рекламасини бошлади

қасининг Элликқалъа тумани ва Нукус шаҳридаги И. Савицкий номидаги санъат музейида ўтказилган “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали доирасида мамлакатга ташриф буюрган эди. Ушбу сафар давомида Ўзбекистон ҳақида бир неча ўзига хос қизиқарли сюжетлар тақдим этилди. Биринчи сюжет “Самарқандча паловга” [http://www.1tv.ru/projects\\_edition/si=5719&d=28.05.2012](http://www.1tv.ru/projects_edition/si=5719&d=28.05.2012), иккинчиси – Хивага [http://www.1tv.ru/projects\\_edition/si5719/fi16271#](http://www.1tv.ru/projects_edition/si5719/fi16271#) бағишланди. Навбатдаги сюжет кўҳна ва навқирон Самарқандга бағишланади. Уни 26

июнь куни соат 16.20 да Биринчи канал эфирда ҳамда кўрсатув сайтида томоша қилишингиз мумкин. Эфирни кузатиб боринг! Энди ушбу каналда Ўзбекистон анъаналари ва ўзига хосликлари, дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб меҳмонларга маданий бойликлар ва бетакрор меросни кўз-кўз қилувчи “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивалига бағишланган ўнлаб сюжетлар намойиш этилади. Гулнора Каримованинг муаллифлик лойиҳаси бўлган мазкур фестиваль ўтказилган беш йил мобайнида унда 200 мингдан ортиқ киши қатнашган



Афғонистондаги инглиз тилида хабар тарқатадиган Khaama Press Интернет нашри мамлакат хавфсизлик хизмати расмийларига таянган ҳолда, Ўзбекистонни Амударё ҳафзасидаги нефтни ўзлаштиришга ҳалал бераётганликда айблади.

Исми очикланмаган Афғонистон хавфсизлик расмийларининг 25 июн куни маҳаллий матбуотга билдиришича, Ўзбекистон Афғонистон ҳукумати мамлакат иктисоди учун устивор қилиб белгилаган Амударё ҳафзасидаги нефт конларини ўзлаштириш лойиҳасини барбод қилишга уринмоқда.

Бу айблов эълон қилинишидан бир

жабҳаси бундай айбловни Карзай ҳукуматининг ўз муҳолифига нисбатан тазйиқи дея баҳолашда давом этмоқда:

- Улар айблайдик, гўё Афғонистонни шимолидаги конларни ўзлаштиришмоқчи эмишу у конларни ишлатмоқчи бўлиб келган инженерлар гуруҳига руҳсат бермаган эмиш. Бу мутлақо ёлғон. Бор ҳақиқат шуки, Амударё нефт ҳавзаси тендерга қўйилганида, бир компания ютган. Ютган кишилар келганда шу жойнинг сиёсий раҳбари сифатида генерал Дўстим маслаҳат берганлар

– Афғонистоннинг баъзи бир бошқа

лик расмийлари, ўз ихтиёрларида Ўзбекистон махсус хизматларининг Амударё ҳафзасидаги нефт лойиҳасига аралашаётганини тасдиқловчи ишончли ҳужжат-далиллар борлигини иддао қилган. Khaama Press Интернет нашри шунингдек, Афғонистон Кон вазирлиги ҳам минтақадаги айрим давлатларнинг Афғонистондаги йирик табиий захираларни ўзлаштириш жараёнига салбий аралашувидан ташвиш билдирган.

Хусусан, вазирлик матбуот котиби Жавид Умар, минтақа разведка хизматлари Афғонистондаги нефт ва газ ўзлаштириш лойиҳалари бошланмаслиги учун махсус тўсиқлар

## АФҒОН ТАРАФИ ЎЗБЕК МАХФИЙ ХИЗМАТЛАРИНИ АЙБЛАДИ

кун олдин – 24 июн куни Афғонистон шимолидаги Сарипул вилоятида мазкур ҳафзадан нефт ўзлаштириш лойиҳасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди ва унда юқори даражали Кобул расмийлари иштирок этди.

Хитой Миллий нефт корпорацияси (National Petroleum Corporation) ўтган йил декабр ойида

Сарипулдаги конларни ўзлаштириш бўйича ўтказилган халқаро тендерда ғолиб деб топилди.

Афғонистон президенти Ҳамид Карзайнинг жиянларига қарашли Ваган ширкати билан биргаликда Хитой давлат корпорацияси қиммати 3 миллиард долларлик лойиҳани биргаликда амалга оширишга оид келишув имзолади.

Бундан икки ҳафта олдин Афғонистон шимолида катта таъсирга эга ўзбек генерали Абдурашид Дўстум мазкур лойиҳа ижроси бошланишига тўсқинлик қилаётганликда айбланди.

Президент Карзайга ҳисоб берувчи Афғонистон Миллий хавфсизлик кенгаши мамлакат прокуратурасига, афғонлар тараққиёти учун ўта муҳим деб кўрилаётган бу улкан лойиҳага тўсқинлик қилаётган Дўстумга нисбатан ватанга хиёнат айби билан жиноий иш очишни сўраб муурожаат қилди.

Аммо Абдурашид Дўстум раҳбари бўлган Афғонистон миллий



жойларида бўлгандек ишчиларни маҳаллий халқдан, шу жойнинг ўзидан олинг, деб. “Халқ ўзи эзилган, охирги сел халқни жуда эзди, ишсизлик бор, шунинг учун конга ташқаридан одам олиб келманг”, деганлар. Энди шуни баҳона қилиб, муттаҳамчилик қилишяпти, деган эди 11 июн куни Озодлик билан суҳбатда Абдурашид Дўстум номидан гапирган Миллий жабҳа сўзчиси Файзуллоҳ Закий.

Орадан икки ҳафта ўтиб, генерал Дўстумга қарши расман жиноий иш очилганига оид бирор расмий хабар чиқмади, аммо 25 июн куни аноним афғон расмийлари матбуот орқали Дўстумга қарши янги айблов илгари сурдилар.

Бу гал ўзбеклар сиёсий етакчиси Ўзбекистон махсус хизматлари топшириғи асосида Хитой ва жиян карзайлар бошламоқчи бўлаётган 3 миллиард долларлик нефт ўзлаштириш лойиҳасига тўғанок бўлаётганликда айбланмоқда.

Афғон матбуоти номи ва лавозини очикламаётган бу хавфсиз-

кўяётганини айтган. Айни пайтда, ўз исми сир тутилишини сўраган Афғонистон хавфсизлик расмийлари, Ўзбекистон ҳукуматининг Абдурашид Дўстум ва унинг гуруҳига Сарипул конларини ўзлаштиришни пайсалга солиш учун пул бераётганини иддао қилган.

Бу айбловларга муносабат билдирган Афғонистон парла-

ментидаги сарипуллик депутат Саид Анвар, Карзай ҳукуматининг мамлакатдаги асосий муҳолифат етакчиси генерал Дўстумга қарши давом этаётган сиёсий бўҳтон кампаниясининг давоми дея баҳолади.

- Булар ҳаммаси ёлғон гаплар. Буларнинг (туҳмат қилаётган Кобул расмийлари назарда тутилмоқда – таҳр.) асосий роҳатсизликлари генерал Дўстум ва Миллий жабҳанинг фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун булар генерал Дўстумга қарши қўлларида нима усул бўлса, бу матбуот орқали ёлғон тарқатишми, ҳар турли пропаганда, уларни аямой тўхтабдилар, дейди Афғонистон парламенти депутати Саид Анвар.

Минтақадаги айрим давлатлар, Афғонистонга бекарорлик экспорт қилиб турган бир пайтда, Ўзбекистон биз учун катта ишлар қилаётган яхши қўшни ва бу каби айблов, нафақат Дўстум, балки қўшнимизга нисбатан ҳам туҳматдир, деб қўшимча қилади

Саид Анвар.

## КЕЛДИ-Ю, КЕТДИ: КАРИМОВ КХШТ ТАШКИЛОТИДАН ЯНА ЧИҚИБ КЕТДИ

Россия Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Г.Карасин Ўзбекистоннинг Москвадаги элчиси Зиёдулла Пўлатхўжаев билан телефон орқали суҳбатлашган.

Россия ташқи ишлар вазирлиги веб саҳифасидаги хабарда айтилишича, шанба куни кечган мулоқот чоғида «икки томонлама ҳамкорликка доир долзарб масалалар муҳокама этилган».

Жума куни Ўзбекистон Коллектив Хавфсизлик Ташкилотидagi фаолиятини тўхтатиш тўғрисида ташкилотга расмий нота йўллаганини тасдиқлаган эди.

Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги хавфсизлик ташкилотидан чиқиши Россия матбуотининг бош мавзуларидан бирига айланган.

Россиянинг Авросиё худудида интеграцияни чуқурлаштириш саъй - ҳаракатларига сезиларли зарба берилди, деб ёзади Коммерсант рўзномаси.

Нашрнинг дипломатик манбаъларига кўра, Ўзбекистоннинг икки томонлама ҳамкорликни афзал кўриши ҳақида келтирилган важи ишонарли эмас.

Коммерсант суҳбатлашган экспертлар Коллектив Хавфсизлик Ташкилотидан чиқиш қарори орқиди Тошкентнинг Вашингтон билан ўз худудида АҚШ базасини очишга доир келишуви турганига ишонишади.

Рўзнома ўзбек томони ўз қарорини тасдиқлагани, аммо уни изохламаганига эътибор қаратади.

Айни пайтда Коммерсантнинг Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигидаги манбаъси ушбу кадамни мана бундай тушунтирган.

«Бизни Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилотининг афғон йуналишидаги фаолияти қониқтирмайди. Ўзбекистон Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорликни афзал билади. Бундан ташқари, Тошкентга ОДКБга аъзо давлатлар орасида ҳарбий ҳамкорликни кучайтириш режалари маъқул эмас. Яна бир қатор сабаблар бор. Уларнинг ҳаммаси расмий нотада келтирилган», деб айтган Коммерсантнинг Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигидаги манбаъси.

### МУНОСАБАТЛАРНИНГ СОВУҚЛАШУВИ

Рўзномага кўра, Тошкентнинг ОДКБдан чиқиш қарорини бутунлай қутилмаган, деб бўлмайди.

1999 йилда ташкилотдан бир марта чиқиб бўлган Ўзбекистоннинг АҚШ билан ҳарбий ҳамкорлигининг энг юқори нуқтаси Қаршидаги Хонобод



базасининг очилиши эди, деб ёзади Коммерсант.

Аммо кўп ўтмай Андижонда ҳукумат кучлари томонидан бостирилган ғалаёнлар, унинг орқидан эса ғарб билан алоқаларнинг совуқлашуви юз берди.

2006 йилда Тошкент ОДКБга қайтди, Америка ҳарбийлари эса Хонобод базасини тарк этдилар.

Аммо, деб ёзади Коммерсант, гарчи Ўзбекистон 2006 йилда ташкилотга аъзолигини қайта тиклаган эса-да, охириги йилларда ОДКБ доирасидаги тадбирларда қатнашишдан бош тортиб келди. Ўтган йили кузида эса Тошкент ОДКБ аъзоларининг бир овоздан гапириши кераклигини назарда тутувчи қатор ҳужжатларни имзоламади.

ОДКБнинг ўша пайтдаги раиси бўлган Беларус президенти ҳатто Ўзбекистонни ташкилотдан чиқаришни талаб қилди.

Аммо Коммерсантга кўра, шу йил июнида Путин Тошкентга бориб Президент Каримов билан қатор ҳужжатларни имзолаган пайт кўпчилик икки раҳбар орадаги фарқларни бартараф этишди, деб ўйлаган эди.

Аммо Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигининг нотаси ундай эмаслигини кўрсатди, деб ёзади Коммерсант.

Рўзноманинг маълумотича, ҳозирда Москвада Тошкент қўйган қадамнинг оқибатлари қандай бўлиниши ўрганилапти ва бошқа аъзо давлатлар билан биргаликда ўзбек томонининг қарорига муносабат ишлаб чиқилади.

Известия рўзномасининг ёзишича, Коллектив Хавфсизлик Ташкилотининг ўзи Тошкентнинг ташкилотдаги фаолиятини тўхтатганини расман эълон қилишга шояшмаётган.

ОДКБ матбуот қотиби Владимир Зайнетдиновнинг Известияга айтишича, Тошкент бу борада бир томонлама қарор қабул қила олмайди ва шунинг учун ҳам ҳали ташкилот бу борада ҳеч қандай қарор олгани йўқ.

«Ташкилотнинг низомига кўра, аъ-

золикдан чиқиш ҳақида олти ой аввал билдирилиши лозим.

Аъзоликни тўхтатиш фақат ОДКБ Кенгаши томонидан аъзо давлат низом ҳолатини бажармагани тақдирдагина мумкин бўлади», деб айтган Коллектив Хавфсизлик Ташкилоти мулозими.

### МУРАККАБ АЛОҚАЛАР

Москвадаги МДХ институти директори Константин Затулиннинг МК. ру нашрига айтишича, Президент Каримов ҳамма вақт ўзгарувчан ташқи сиёсат юритиб келган.

«У стратегик ҳамкорларни ўзининг шахсий манфатларидан келиб чиқиб алмаштиради», деб айтган жаноб Затулин. РБК Дэйли рўзномаси Россия Федерация кенгашининг ташқи алоқалар кўмитаси раиси Михаил Маргеловнинг фикрларини келтиради.

Ўзларини Ўзбекистоннинг дўстлари, деб атаган жаноб Маргеловга кўра, Ўзбекистон ўз кўшнилари билан мураккаб алоқаларга эга.

«Биз, Ўзбекистоннинг ҳақиқий дўстлари ҳар доим ОДКБ ушбу Марказий Осиё давлатининг чегараларида барқарорликни таъминлайди ва уни қутилмаган геосиёсий воқеалардан асрайди, деб ўйлаганмиз», деган Россия Федерация Кенгашининг мулозими.

Москвадаги ПИР-Центрнинг Марказий Осиё бўйича таҳлилчиси Вадим Козюлиннинг РБК. ру нашрига айтишича, Ўзбекистон уз худудида АҚШнинг ҳарбий базасига эга булишига умид қилмоқда.

«АҚШ ҳойнаҳой, Ўзбекистонни ўзининг стратегик итифоқчилари рўйхатига киритади, молиявий ва ҳарбий ёрдам беради, хавфсизликни кафолатлайди ва инсон ҳуқуқларининг бузилишига кўз юмади», деб айтган москвалик таҳлилчи.

Ўзбекистоннинг ОДКБдан чиқмаётгани, балки ундаги фаолиятини тўхтатаётганига эътибор қаратган яна бир таҳличи Александр Князев бунинг сабабини ташкилотнинг самарасизлиги билан тушунтиради.

Унга кўра, Тошкентнинг ОДКБдан норозилигининг сабабларидан бири 2010 йил июнидаги ўш воқеалари чоғида ташкилотнинг ҳеч қандай чора кўрмагани бўлиши мумкин.

**ВВС**

“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Муҳаррир: Камолддин Йўлдош  
uzxalqharakati@gmail.com